



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ
ИСЛОМШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ



ИСЛОМШУНОСЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ МАСАЛАЛАРИ



“Тошкент ислом университети”
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент-2011

Масъул муҳаррирлар:

Р.Абдуллаев – иқтисод фанлари доктори, профессор
З.Исломов – филология фанлари доктори, профессор

Таҳрир ҳайъати:

З.Исломов – филология фанлари доктори, профессор
А.Ҳасанов – тарих фанлари доктори, профессор
С.Ағзамходжаев – тарих фанлари доктори, профессор
Н.Мамадалиева – филология фанлари номзоди, доцент
Д.Раҳимжонов – тарих фанлари номзоди, доцент
Н.Муҳамедов – тарих фанлари номзоди, доцент
Б.Валиев – фалсафа фанлари номзоди
Қ.Зоҳидов – тарих фанлари номзоди
С.Оқилов – тарих фанлари номзоди
М.Алимова – тарих фанлари номзоди

Нашрга тайёрловчи:

Д.Раҳимжонов – тарих фанлари номзоди, доцент

Тақризчилар:

Ҳ.Йўлдошхўжаев – тарих фанлари номзоди
И.Бекмирзаев – тарих фанлари номзоди

Мазкур илмий тўпламдан “Исломшуносликни ривожлантиришнинг концептуал масалалари” илмий-амалий семинар материаллари ўрин олган. Унда республикамиздаги таниқли диншунос, шарқшунос, манбашунос, тарихчи олим ва тадқиқотчилар иштирок этганлар.

Семинар материалларида диний бағрикенглик, миллий ва диний қадриятлар уйғунлиги, аجدодлар илмий-маънавий меросининг маънавий ҳаётимизда тутган ўрни ўзининг ифодасини топган. Шунингдек, диншунослик, исломшунослик, фалсафа ва тарих фанларига доир долзарб мавзулар акс этган. Тўплам материалларидан олий ўқув юрталари профессор-ўқитувчилари, аспирант, магистр ва ёш тадқиқотчилар фойдаланиши мумкин.

Тошкент ислом университети Илмий кенгашининг 2011 йил 27 октябрдаги 3-сонли қарорига биноан нашрга тавсия этилган.

© «Тошкент ислом университети»
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011.

Масъул мухәррирлар:

Р.Абдуллаев – иқтисод фанлари доктори, профессор
З.Исломов – филология фанлари доктори, профессор

Таҳрир ҳайъати:

З.Исломов – филология фанлари доктори, профессор
А.Ҳасанов – тарих фанлари доктори, профессор
С.Агзамходжаев – тарих фанлари доктори, профессор
Н.Мамадалиева – филология фанлари номзоди, доцент
Д.Раҳимжонов – тарих фанлари номзоди, доцент
Н.Муҳамедов – тарих фанлари номзоди, доцент
Б.Валиев – фалсафа фанлари номзоди
Қ.Зоҳидов – тарих фанлари номзоди
С.Оқилов – тарих фанлари номзоди
М.Алимова – тарих фанлари номзоди

Нашрга тайёрловчи:

Д.Раҳимжонов – тарих фанлари номзоди, доцент

Тақризчилар:

Х.Йўлдошхўжаев – тарих фанлари номзоди
И.Бекмирзаев – тарих фанлари номзоди

Маъқур илмий тўпламдан "Исломшуносликни ривожлантиришнинг концептуал масалалари" илмий-амалий семинар материаллари ўрни олган. Унда республикадаги таълиқ диншунос, шарқшунос, маибашунос, тарихчи олим ва тадқиқотчилар иштирок этганлар.

Семинар материалларида диний бағрикенглик, миллий ва диний қадриятлар уйғунлиги, аждодлар илмий-маънавий меросининг маънавий ҳаётимизда тутган ўрни ўзининг ифодасини топган. Шунингдек, диншунослик, исломшунослик, фалсафа ва тарих фанларига доир долзарб мавзулар акс этган. Тўплам материалларидан олий ўқув юрталари профессор-ўқитувчилари, аспирант, магистр ва ёш тадқиқотчилар фойдаланиши мумкин.

Тошкент ислом университети Илмий кенгашининг 2011 йил 27 октябрдаги 3-сонли қарорига биноан нашрга тавсия этилган.

© «Тошкент ислом университети»
нашриёт-матбаа бишлашмаси, 2011.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....	3
З.Исломов. Исломунослик тадқиқотлари таҳлили.....	5
М.Ахмаджонов. Религиозная политика и межконфессиональные отношения в поликонфессиональном обществе.....	7
У.Адилов. Ўзбекистонда исломунослик ривожининг муҳим хусусиятлари.....	10
С.Агзамходжаев. "Ислом тарихи" фанини ўқитиш концепциясини яратиш – замон талаби	13
Э.Ибрагимов. Турли дин ва маданиятлар муносабатлари уйғунлиги – жамият барқарорлигининг муҳим омилли.....	16
И.Мирзиётов. Ёшларда соғлом этиқодни тарбиялашнинг муҳим масалалари.....	18
Н.Мамадалиева. Особенности перевода Корана	21
Д.Раҳимжонов. Ҳадисшунослик фанини ўқитишнинг мақсади ва вазифалари.....	24
Н.Муҳамедов. Ислом маърифати фидойилари	26
А.Абдуллаев. Қуръон тафсирида имон ва ихтиёр масалаларининг талқини.....	29
Қ.Зоҳидов. Балозурий асарларининг ислом тарихини ўрганишдаги аҳамияти.....	31
М.Алимова. Ҳадиснинг ишончлили кифолати.....	33
Ш.Зиёдов. Ўрта Осиёда ислом тарихини ёритишда кутубхоналарни ўрганишнинг аҳамияти.....	36
Д.Муродов. Ҳанафий муҳаддисларининг ҳадис илми ривожидagi ўрни.....	38
А.Абдусамедов, Г.Эшанова. Ўрта Осиё маънавий тараққиётида тасаввуф тариқатлари ва фалсафасининг ўрни.....	40
Д.Мақсудов. Шохрух Мирзонинг дин илмлари ривожидagi ўрни.....	43
А.Байназарова. "Дин ва илм ўртасидаги зиддият" афсонаси ҳақида.....	45
О.Сайдахмедова. Исломшунослик фани тарихий тараққиётининг такомил босқичлари.....	47
У.Утепбергенова. Новые концептуальные подходы к изучению ислама в Центральной Азии.....	50
С.Жўраева. Хожа Алоуддин Атторнинг Сурхон воҳаси маънавий ҳаётида тутган ўрни.....	53
Н.Исмаева. Исломдаги инсонпарварлик гояларидан таълим-тарбия жараёнида фойдаланишнинг аҳамияти.....	55
А.Жуманазар. Ислом ва ўзбек миллий шаҳарсозлик анъаналари.....	58
З.Шакирова. Илк ислом даврида Макка шаҳрининг фатҳ этилиш тарихи.....	61
Н.Муддасодиқова. Ислом манбаларини тўғри талқин этишда фасоҳат	

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва этник вакиллари юрtda тинчлик ва барқарорликдан манфаатдор бўлиб, шу йўлда баҳамжиҳат ҳаракат қиладилар. Чунки, "Миллатлараро тотувлик гоёси – умумбашарий қадрият бўлиб, турли халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади"¹.

Ўзбек халқининг ўзига хос этник, маданий, диний хайрихоҳлик ва очиқ кўнгиллилик каби фазилатлари унинг бутун тарихи давомида шаклланган. Зеро, миллатлараро ўзаро муносабатларнинг ҳолати, сиёсий иқлим ва мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазият кўп жиҳатдан мана шу муносабатларга боғлиқдир. Мустақил миллий давлат тузишда унинг хавфсизлигини таъминлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Лекин миллий давлат кўпинча бир миллат вакилларида иборат бўлмайди. Ҳозирги замонда кўпчилик давлатлар кўп миллат ва конфессиялар, диний гуруҳлардан таркиб топган. Шу маънода миллий хавфсизлигини таъминлашда миллатлараро ва конфессиялараро муносабатлар уйғунлиги катта аҳамиятга эга. Бу масалада толерантлик принципи бажарилиши гоёт муҳимдир.

Хулоса қилиб айтганда, "Тинчлик ва уйғунликда баҳамжиҳат яшашни ўрганиш" турфа хил маданиятлардан таркиб топган жамиятлар учун муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон ҳам ана шундай турфа хил маданиятларга эга бўлган жамиятлардан биридир. Шундай экан, Ўзбекистоннинг келажаги тинчлик ва бағрикенглик, маданиятлараро уйғунлик ва миллатлараро тотувлик каби омилилар билан чамбарчас боғлиқдир. Турли-туман маданият вакиллари ёнма-ён истиқомат қиладиган турфахил маданиятли жамиятда яшаш жуда сермазмун ва серқиррадир. Ушбу жамиятнинг тинчлиги ва барқарорлигини таъминлаш турли маданиятлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг уйғунлигига боғлиқдир.

Илёс МИРЗИЁТОВ,

Тошкент ислом университети,
педагогика фанлари номзоди.

ЁШЛАРДА СОҒЛОМ ЭЪТИҚОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ МУҲИМ МАСАЛАЛАРИ

Юртимиз келажаги ҳисобланган ёшларимизни соғлом эътиқодли қилиб тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода айтиш мумкинки, эътиқодни шакллантириш – инсон маънавий тарбиясининг таркибий қисмидир. Халқимиз кўзлаган «... эзгу мақсадларга эса, фақат юксак маънавий тарбия орқалигина эришиш мумкин».

¹ Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 59.

Ўмумтаалим мактабларида бошлангич синфдан оқ ўқувчиларни соғлом ва тарбиявий соатлар алоҳида ўрин тутди. Жумладан, «Одобнома» дарслари ўқувчиларда ватанпарварлик, мардлик, меҳр-оқибат, имон каби исломий хусусиятларни шакллантириш имконини яратди.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов томонидан таъкидланганидек, мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати халқимизнинг умуминсоний қадриятларига содиқлигида намоён бўлади. Биз учун миллий қадриятлар, халқимизнинг руҳини баланд сақлаш, ёш авлодни тарбиялаш энг асосий вазифа бўлиб қолиши керак.

Эътиқод барча динлар ва даврларда кишилик жамиятининг ижтимоий-маънавий ҳаётига таъсир этиб, мустақиллик, эрк ва озодлик учун курашда одамларни бирлаштирувчи, маънавий рағбатлантирувчи восита сифатида намоён бўлган. Бу ўринда айтиш мумкинки, бошлангич синф ўқувчиларида шахс эътиқоди шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари, соғлом эътиқодни шакллантиришнинг гоявий-тарбиявий аҳамияти, шунингдек, ўқувчиларда соғлом эътиқодни шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик омиллари ва воситаларининг айрим жиҳатларини ўрганиш бугунги кунда долзарблигига қолмоқда.

Инсон ўзи яшаётган жамият ўзгаришларининг фаол иштирокчиси экан, унинг фаолиятини муайян гояларга асосланган эътиқод ва ишонч бошқаради. Шу сабабли эътиқод тарбиясини шахс ҳаётининг болалик чоғида бошланиши мақсадга мувофиқ.

Сўнгги даврда шахс моҳиятини ўрганиш куйидаги хулосаларга олиб келди: шахснинг моҳияти ва унинг эътиқоди масалаларини яхлит талқин қилиш; шахсга хос бўлган хусусиятлар – истак, интилиш, ҳаракат қилишни алоҳида интибатга олиш; шахс моҳияти имконият, мақсад, режа, ниятларининг ўзгариб туриши; шахснинг баҳоли муносабатларини ўраб олган муҳит, инсонлар, маъжуд гоялар, мафкуралар билан боғлаб ўрганиш ва ўзгартириш даркор.

Болалар онгига миллий гоя ва мафкурани сингдириш, соғлом эътиқодни шакллантириш маҳалла, мактаб ва оммавий ахборот воситалари (аёнлик, радио, телевидение, Интернет), «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар кўмиталари, нодавлат ташкилотлари ҳамда дин, урф-одат, маросим, анъаналар орқали олиб борилади. Бунда ижтимоий ва этнопсихологик хусусиятлар (болаларнинг ёши, жинси, миллати, маълумоти ва бошқалар)га кўра самарали услуб ва шакллар танланиши керак.

Асрлар оша шаклланган, авлоддан-авлодга бебаҳо мерос бўлиб ўтиб келган, бироқ собиқ иттифок даврида таъкидланган халқ урф-одатлари, маросимлари

ва байрамлари (Наврўз байрами, Рўза ва Қурбон ҳайитлари кабилар)нинг тикланиши аждодларнинг дунёқарашини, орзу-истаклари, тажрибаларини ўрганишда муҳим омил ҳисобланади. Мустақил Ўзбекистоннинг янги анъаналари («Мустақиллик», «Ўқитувчилар ва мураббийлар», «Хотира ва қадрлаш» кунлари) шаклланиши болалар эътиқодига янги руҳ ва ғоявий мазмун бағишлайди.

Дин – кишиларни имон-эътиқодни, инсоф-диёнати бўлишга чорловчи муҳим маънавий омиллардан биридир. Шу боис ҳар бир диннинг асломҳиятига таянган ҳолда ўқувчилар онгида соғлом эътиқодни шакллантиришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Соғлом эътиқод тарбияси, энг аввало, «Одобнома» фани ўқитувчи-тарбиячиларида соғлом эътиқодни шакллантиришдан бошланади. Бунинг учун улар бошқа соҳалар билан бир қаторда дин ҳақида ҳам ҳолис ва илмий асосли билим ва дунёқарашга эга бўлишлари талаб этилади. Шунингдек, педагогик-психологик таълим тизими мазмунини миллий ғоя ва миллий мафкура билан бойитувчи янги дарслик, қўлланма, услубий тавсиялар ва ишланмалар тайёрланиши давримиз талаби ва эҳтиёжи сифатида долзарбдир.

Бугунги кунда ислом омилига нисбатан жаҳон ҳамжамияти катта қизиқиш билдирмоқда. Шу жиҳатдан, бу борадаги илмий изланишлар ўзига хос аҳамият касб этади. Ўтмишда Имом Бухорий, Имом Термизий, Маҳмуд Замахшарий, Абу Мансур Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро ва Баҳоуддин Нақшбанд каби алломалар етишиб чиққан заминда ўзга эътиқоддаги кишилар ҳуқуқини эътиборга олган ҳолда, виждон эркинлиги тўла кафолатланган дунёвий давлат барпо этиш йўлининг танланиши дунё ҳамжамияти эътиборини жалб этмоқда.

Экстремизм ва терроризм жаҳон халқлари учун жиддий хавф тугдирмоқда. Айниқса, уларнинг дин ниқобида халқлар тинчлиги ва осойишталигига раҳна солаётгани ҳар қандай инсонни ташвишлантиради. Бу ана шундай нопок кимсалар ва гуруҳларнинг тарбиявий мақсадлари, ҳаракат турлари ва услублари билан боғлиқ масалаларнинг илмий жиҳатдан таҳлил қилишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистонда педагогика соҳасида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини кўзланган даражага кўтаришда дин ва эътиқод эркинлигининг ўрни ҳамда бу борадаги муаммолар ечимини тизимли ўрганиш улкан ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этади.